



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 15» avgust № 388

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида қонунийликни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Сўнгги йилларда мамлакатимиз хавфсизлиги ва халқимиз осойишталигини таъминлаш, замонавий қуролланган ва қудратли армияни шакллантириш ҳамда Қуролли Кучлар таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар ходимларини қўллаб-қувватлаш юзасидан кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, ҳарбий йўналишдаги давлат дастурлари ижросини ўз вақтида ва самарали ташкил этиш, тизимдаги коррупциявий хавф-хатарлар, шу жумладан бюджет маблағларини мақсадсиз сарфлаш ҳолатларининг барвақт олдини олиш ишларини ва ушбу соҳадаги қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан таъсирчан назоратни янада кучайтириш талаб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида қонунийликни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 23 декабрдаги ПФ–272-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

ҳарбий прокуратура органларига ҳарбий хизматга чақирилган ва ҳарбий хизматдан резервга ёки истеъфога бўшатишган ходимларни Бош прокуратурада ҳарбий рўйхатга олиш ва рўйхатдан чиқариш;

ҳарбий прокуратура органлари ходимларини ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тайёрлашда, олис ҳудудлардаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари билан ғоявий-тарбиявий ишлар олиб боришда ҳамда уларнинг ватанпарварлик руҳини шакллантиришда фаол иштирок этганлиги учун рағбатлантириш;

ҳарбий прокуратура органлари ходимларини уй-жой билан таъминлашда мавжуд имтиёزلардан фойдаланиш.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 15 августдаги 388-сон қарорига
илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий мажбуриятли шахсларнинг, оддий аскарлар ҳамда бошлиқлар таркибига кирувчи шахсларнинг давлат мажбурий шахсий суғуртаси тўғрисида” 1994 йил 26 январдаги 38-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 1-сон, 6-модда) 1-бандида:

иккинчи хатбошидаги “Давлат божхона қўмитасига, Фавқулодда вазиятлар вазирлигига,” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасига, Фавқулодда вазиятлар вазирлигига ҳамда Ҳарбий прокуратурага” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “Давлат божхона қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда Ҳарбий прокуратура” сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги “Давлат божхона қўмитаси” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси, Ҳарбий прокуратура” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 мартдаги 119-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 3-сон, 21-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий рўйхатга олиш тўғрисидаги низомда:

а) 1-банднинг иккинчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардияси ва Ҳарбий прокуратурасининг ҳарбий хизматга мажбурларини рўйхатга олиш тегишлича Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Раиси, Миллий гвардия қўмондони ва Бош прокурор томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади”;

б) 5-бандда:

иккинчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардияси, Ҳарбий прокуратураси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Электрон технологияларини ривожлантириш маркази органлари ва ҳарбий тузилмаларига рўйхатга олиш учун берилган, шунингдек, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси кадрлари таркибига ўтказилган ҳарбий хизматга мажбурлар тегишли вазирликлар ва идораларнинг рўйхатида туради”;

учинчи хатбошидаги “ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати органларида” сўзлари “, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати ва ҳарбий прокуратура органларида” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати, Ҳарбий прокуратураси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Электрон технологияларини ривожлантириш маркази органларига рўйхатга олиш учун берилаётган ҳарбий хизматга мажбурларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси кадрлари таркибига ўтказилган ҳарбий хизматга мажбурларни ҳарбий рўйхатдан чиқариш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ва фавқулодда вазиятлар вазирининг, Электрон технологияларини ривожлантириш маркази бошлиғининг, Миллий гвардия қўмондонининг, Давлат хавфсизлик хизмати раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати раиси, Бош прокурор, Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари қўмондони ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси раисининг буйруғидан кўчирма асосида амалга оширилади”;

в) 7-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия ва Ҳарбий прокуратуранинг ҳарбий хизматга мажбурларини рўйхатга олишни ташкил этиш ва ҳисобини юритиш тартиби масалалари бўйича йўриқномалар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, рўйхатга олиш ва ҳисобот беришнинг тегишли бланклари тегишлилиги бўйича Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия ва Бош прокуратура томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 619-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига турар жой сотиб олиш (қуриш) учун узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-банди “Давлат хавфсизлик хизмати” сўзларидан кейин “ва Ҳарбий прокуратура” сўзлари билан тўлдирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг “Маънавий-маърифий ишлар аълочиси” кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида” 2018 йил 15 декабрдаги 1020-сон қарорида:

а) 3 ва 4-бандлардаги “ва Миллий гвардиясининг” сўзлари тегишлича “, Миллий гвардияси ва Бош прокуратурасининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

4-банд “Миллий гвардияси” сўзларидан кейин “Бош прокуратураси” сўзлари билан тўлдирилсин;

5-банддаги “ва Миллий гвардиясига” сўзлари “, Миллий гвардияси ва Бош прокуратурасига ” сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банддаги “ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг” сўзлари “, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондони ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банддаги “ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондони” сўзлари “, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондони ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори” сўзлари билан алмаштирилсин;

8-банд ва 9-банднинг иккинчи хатбошисидаги “ва Миллий гвардиясининг” сўзлари тегишлича “, Миллий гвардияси ва Бош прокуратурасининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари “Маънавий-маърифий ишлар аълочиси”
кўкрак нишони билан тақдирлаш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Масъуллар	Тадбирлар	Муддат
1-босқич	Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардияси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, шунингдек, тегишли вазирлик, идора ва бошқа республика ташкилотлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Кўкрак нишони билан тақдирлаш бўйича номзодларни кўриб чиқиш.	ҳар йили 1 декабрга қадар
2-босқич	Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардияси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, шунингдек, тегишли вазирлик, идора ва бошқа республика ташкилотлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Кўкрак нишони билан тақдирлашга таклиф этилаётган номзодларнинг рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 августдаги ПҚ–3898-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш концепциясини амалга ошириш бўйича республика идоралараро комиссиясига тақдим этиш.	ҳар йили 10 декабрга қадар
3-босқич	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 августдаги ПҚ–3898-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш концепциясини амалга ошириш бўйича республика идоралараро комиссияси	Номзодлар бўйича тақдим этилган ҳужжатларни белгиланган тартибда ўрганиб чиқиш ва номзодлар юзасидан хулосаларни тегишлича Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардияси ва Бош прокуратурасига юбориш.	ҳар йили 3 январга қадар

4-босқич	Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазири, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раиси, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси кўмондони ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори	Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари “Маънавий- маърифий ишлар аълочиси» кўкрак нишони билан мукофотлаш тўғрисидаги буйруғини қабул қилиш ва кўкрак нишонини тантанали вазиятда топшириш.	ҳар йили 14 январга қадар
----------	--	--	---------------------------------

”

